

Самарқандда Қорадарё устидан ўтган кўприк оғиб, чўкиб қолди

Жорий йил 16—22 июль кунлари Ўзбекистон ҳудудига қўшни Туркменистон орқали Эрондан иссиқ ҳаво оқими кириб келиши сабабли жойларда ҳарорат 44-45 даражагача иссиқ бўлиши кутилмоқда. Бунинг натижасида Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларидан республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларига сел оқимларининг ўтиш эҳтимоли мавжуд. Бу ҳақда ФВВ матбуот хизмати [маълум қилди](#).

Бу эса ўз навбатида мамлакатдаги дарёлардаги сув ҳажмининг сезиларли кўпайишига олиб келади. Хусусан, ўтган йиллар билан таққослаганда Самарқанд вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёларида ҳам сув ҳажми нисбатан ошганлигини кузатиш мумкин.



Кутилаётган иссиқ кунларни беталофат ўтказиш мақсадида Самарқанд вилоятида ҳам тегишли амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Дарёлар қирғоқлари, кўприкларни мустаҳкамлаш, муҳофаза зонасида жойлашиб қолган объектларни аниқлаб бартараф этиш, ҳимоя дамбаларининг хавфсизлигини таъминлаш шулар жумласидандир.

Айни вақтда Зарафшон дарёсининг Жомбой тумани кўриқхона ҳудудидаги ҳимоя дамбасини мустаҳкамлаш бўйича Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар бошқармалари, вилоят ва Жомбой туман ҳокимлиги, Зарафшон магистрал сувлардан фойдаланиш бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарурий муҳандислик ишлари олиб борилмоқда.



Мазкур тадбирларга жами 184 нафар ишчи-ходим, шунингдек, 60 га яқин махсус техника жалб этилган.

манба:www.daryo.uz